



“Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, кийинчиликдан кўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқмиз”.

Наврўзинг — янги кун, янги давронинг муборак, жонажон Ўзбекистоним!



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам отахон ва онахонлар, мунис опа-сингиллар, қадрли ака-укалар!

Халқимизнинг келажаги, ишончи ва таянчи бўлган навқирон ёшлар!

Авваламбор, барчангизни, кўп миллатли бутун халқимизни жонажон Ўзбекистонимизга кириб келган Наврўзи олам билан чин қалбимдан самимий табриклар, юксак ҳурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳаммамиз яхши биламиз, Наврўз тинчликни, сиҳат-саломатликни қадрлаб, асраб-авайлаб яшашга даъват этади.

Тинчлик ва соғлиқни асрасак, қолган нарсаларга албатта эришамиз. Лекин ҳозирги глобал дунёда бу жуда мураккаб вазифа бўлиб қолаётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

“Йил йилга ўхшамайди”, деган гап бежиз айтилмаган. Ҳаёт ҳеч қачон бир текис кечмайди. Ҳаёт бор экан, синов бор, қийинчилик бор.

Бу ҳақиқатни шу кунларда янада чуқур ҳис этмоқдамиз. Бугун коронавирус инфекцияси деган жиддий бир хавфга дуч келдик. Давлатимиз,

ҳукуматимиз бу хатарни тезроқ бартараф этиш учун барча зарур чораларни кўрмоқда.

Ўзал диёримизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз янада жипслашиб, ҳар томонлама тартиб-интизомни сақлаган ҳолда, юксак онглик ва масъулият кўрсатиб, мўътабар кексаларимизнинг дуои фотиҳалари билан бу синовдан эсон-омон ўтамиз, деб ишонаман.

Вужудга келган мураккаб шароитни ҳисобга олиб, бу йилги Наврўз байрамида оммавий тадбирлар ўтказишни тўхтатдик.

Фурсатдан фойдаланиб, вазиятни тўғри тушуниб, кўрилатган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаётгани учун халқимизга яна бир бор раҳмат айтаман.

Насиб этса, тез орада бу ташвишли кунлар ортда қолади. Бундай сайил-томошаларни, тўю тантаналарни эл-юртимиз билан биргаликда ҳали кўп-кўп ўтказамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Мавжуд қийинчилик ва синовларга қарамасдан, ҳаёт давом этади. Бу йил Наврўз айёми хонадонларда, оилавий давраларда кенг нишонланмоқда.

Бугун миришкор деҳқон ва фермерларимиз катта умид билан ерга уруғ қадамоқда. Худуд ва минтақаларимизда “Дарахт экиб, боғ яратамиз, юртимизни янада обод қиламиз”, деган эзгу мақсадда миллионлаб кўчатлар экилмоқда.

Мана шу хосиятли кунда барчамиз йилимиз кутлуг келсин, деҳқонларимизнинг бахтини, омадини берсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, деб ният қиламиз.

Узоқ-яқиндаги мамлакатлар халқларини, Ўзбекистоннинг барча хорижий дўст ва ҳамкорларини шарқона янги йил — Наврўз айёми билан кутлаб, уларга самимий истақларимизни изҳор этамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим! Илоҳим, дилимиздаги барча олижаноб орзу-интилишларимиз рўёбга чиқсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Яратганининг ўзи ҳаммамизни паноҳида асрасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ — ЭЛБОШИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 март куни Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида икки мамлакат етакчилари бир-бирларини ҳамда қардош Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларини баҳор, яшариш ва янгилашни байрами — Наврўз билан самимий кутладилар.

Ушбу айём азалдан ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик ришта-

лари, муштарак тарих, маданият ва анъаналар билан чамбарчас боғлиқ бўлган халқларимиз маънавий-маданий яқинлигининг ифодаси экани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатларимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, шунингдек, унинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ҳамда кўп қиррали Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг бугунги суръатига салбий таъсирини камайтириш борасида кўри-

лаётган қатъий чора-тадбирлар тўлиқ қўллаб-қувватланди.


Ҳукуматлар даражасида саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш ва яқиндан ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг долзарб жиҳатлари ҳам кўриб чиқилди, минтақавий ҳамкорлик ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ГАПЛАШАДИГАН ВАҚТЛАР

Ёзувчининг, шоирнинг миссияси яхши ёзишдир



Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон билан сўхбат

Халқимизнинг ардоқли шоири Омон Матжоннинг шеърлари ўзбекнинг ҳар бир хонадонига шеър бўлиб, кўшиқ бўлиб кириб боради. Севимли шоир билан сўхбатлашар эканмиз, кўп шеърларни ёд ўқишларини кўриб, қувваий ҳофизасидан ҳайратландик. 80 ёш атрофида баҳор манзараларига ошқилиги дилимизни титратмай кўймади.

Шоир ҳали-ҳамон “Лекин бир халқ мудраб, ётинқираса, Ҳар кимга ўз тинчи ёқинқираса...” дея халқ гами, миллат дардида эканлиги бизни қувонтирди. Айнан бугун шоир билан гаплашадиган вақтлар келганлигини англадик ва адиб хонадонига бўлдик.

Устознинг замон, адабий жараён, ёшлар ва китобага муҳаббат ҳақидаги фикрларини тингладик. Табарруқ ёшларини назарда тутган ҳолда, саволларимизга ортиқча юк бермадик. Қолаверса, ўзбек адабиётини шайқатор шеърлар билан беаган шоирнинг ҳар каломда шукр, тафаккур чақинларида меҳр чўғини туйиб, мана шу ўқитганингиз сўхбат билан кифояландик.

— Омон ака, келинг, Сиз катта бўлган болалик кўчаларингизга биралиқда бош суқиб кўрсак. У кунлардан қолган нималарни тиклаш керак, деб ўйлайсиз? Нималарни эса йўқотдим, деб ҳисоблайсиз?

— Менимча, ҳаётга тўғри ёки эгри йўлимиз, қарашларимиз болаликдан бошланади. Қадамни қайси томонга қўйишимизни ўша миттигина болалик белгилаб беради. Болаликнинг оёқлари югурик, қўллари

ҳаракатчан, қулоқлари динг, кўзларининг ва юрагининг ўти кўп бўлади. Шу учун болаликнинг ҳар бир лаҳзасидан тўғри хулоса чиқара олиш ўта муҳим, деб ўйдаман.

Мен Гурланнинг Боголон қишлоғида тутилганман. Боголон — баланд жойдаги боғ дегани. Она томонидан аждодларимиз Муҳаммад Раҳимхон Феруз саройида хизмат қилишган.

ШУНДАЙ ДЕДИ



Нуриддин домла ХОЛИХАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби:



Битта майзини кўриб қўйиб еган юртмиз биз. Очарчилик, кийинчиликларни кўрган бобо-момоларимиз. Ундаги бир бурда пошини ярмини кўшнисига берган халқмиз. Қолаверса, бир-бирларига асосланмаган хабарлар, ёлғон тарқатиш — бу энг катта гуноҳ. Асос йўқ. Чунки, пайғамбаримиз алайҳиссалату васалом инсонлар орасида, хатто ҳазиллашиб ҳам кўркўв уйғотишдан қайтарганлар.

БЕДОРЛИК

КОРОНАВИРУС

Бирлашган миллатлар ташиқлотидан Шоқиқин хабар учар, пандемия, деб. Менинг эса тунлар ўчади уйқум, Инсон тафаккури панд еди-я, деб.

Эй ақл, ҳаволаб юрганинг етар, Тананга фикр қил, не бу ҳол қалтис? Наҳот инсон охи фалакни тутар, Наҳотки ҳақ бўлса руҳоний Мальтус?!

Ҳадик ила боқар одамга одам, Қўл бериб кўришмас, юзида ниқоб. Кимлардир изини ниқоблаб олган, Бошқа бировининг сўзида ниқоб.

Эмлашининг имкони йўқ эмиш ҳали, Дунё муҳтож эмиш битта дорида. Аслида чорасиз қолган маҳали, Фақат меҳр ярар бемор қорига.

Ҳар неки малҳамдир, бир ўзи билар, Булутларга боқиб ўйга толаман: Исириқ тутатиб тургандай бўлар, Кўшини чўё қилиб. Яратган Эгам.

Зулмат қочганидай кун ёруғидан, Эдан дард кетгуси бирлашса улус. Асрасин ёмонлар ёмонлигиндан, Меҳру оқибатга тушмасин вирус!

Саъдулла ҲАКИМ

¹ Аҳли нуфуси ва озик-овқат номунавоислигини эпидемиялар ва бошқа ҳодисаларнинг алоқасини таъкид этган инглиз иқтисодчиси ва руҳонийси.

МУНОСАБАТ

Ҳар асрнинг ўз дарди ва давоси бўлган

15.03.2020. Дам олиш куни эди. Одатим(из) бўйича уйқудан тургач, аввало телефонга ёпишамиз. Шундай бўлди. “Коронавирус Ўзбекистонда. Илк бемор аниқланди.” Бу хабар ақлимни шошириб қўйгани, хаёлни қаерларга улоқтириб юборганини – ўзингиз ҳам яхши биласиз, бошингиздан ўтди. Болаларимни ўйладим. Хавотирда, улар хали гўдак-қу, деб жоним оғриди. Бирок қишлоқдан ота-онам телефон қилиб мени ўйлаётганини, лекин ҳаммаси яхши бўлишини айтиб тинчлантirdи. Шунда бир хикматни илғадим: демак, ваҳима қилишга асло ҳожат йўқ.



Шундан сўнг Бош вазирнинг мажлисини ҳам кўрдик. Ортиқча изоҳга ҳожат йўқ. Президентимиз Шавкат Мирзиёев айнан шу масалада катта йигилиш ўтказди. Барча катта-кичик раҳбарларга муҳим топшириқлар берди. Коронавирус билан боғлиқ вазият бўйича халққа муурожаат қилди. Шу йилнинг 19 мартда эса Президентимизнинг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Ушбу ҳужжатда юртимиз аҳли, бутун халқимиз саломатлиги, эртанги куни учун барча зарурий чора-тадбирлар, айтиш мумкинки, керагидан зиёд ўйланган.

Мана неча кундирки, ўзини Халқ, Инсон деб билганлар хотиржам, аксиди-ларни эса – уларни ҳам кўриб, эшитиб турибсиз. Гап кимнинг яхши ё ёмонлиги ҳақида эмас. Гап, ҳатто, коронавирус ҳақида ҳам эмас. Гап, шу ҳақидаки, у хоҳ коронавирус бўлсин, хоҳ бошқа бирор хавфли дард – шу синов сабаб бирлашган, аслини, ўтмишини, тоза халқлигини англаган одамлар ҳақида.

Сизларга ихтига воқеани гапириб бермоқчиман.

Амаким гурунг берганди: (бу воқеа 1994-1995йиллар бўлиб ўтган). Ҳозиргидек тўқинчилик эмас эди. Одамлар ноилоҳидикдан ҳатто арпа ва маккани ҳам ун қилиб, нон пишириб ейишарди. Баҳор эди. Чуқури (равоч) тергани бордик. Ён кўшнимиз билан бўйдоқлик пайтимиздан бери уришиб қолганмиз. Гап қўшмаймиз. Лекин бир дастурхон атрофида ўтираемиз. Қизиқ. Шу равочни териб келаямиз. 7-8 нафар кўшниллар. Бир кеча тоғда – ётдик, ётиб тердик. Эшагимизда икки қопдан равоч. Баҳор эмасми, дарёллар тошган – кечиб бўлмайди. Камарнинг қатига йўлдан бир амаллаб Худода таваккал деб келаямиз. Мен олдинда эдим. Шундай тор жойга келиб қолдик. Эшакни маҳкам ушлаб мармарга яқинлаштириб ўтказмасанг – тамом, пастда пишқириб оқатган дарёга қулайди. Уша йилларда қишлоқда яшаб

эшаксиз қолиш – оқдан ўлдинг деганидай гап. Шу, мен бир амаллаб ўтказдим. Мени ортимдан эса ўша – уришган кўшним. Нимадир бўлди. Бу шунчаки тез рўй бердики, жон ҳолатда эшагига ташландим. Қўлогидан ушлаб қолдим. Ва бор кучим билан ўзимга тортиб – бошидаги нўхтасини тутдим. Бир амаллаб эшакни жарликка қулаб кетишидан сақлаб қолдик.

Ҳавор — текисликка келгач, қўшним мени кучоқлаб олди. Йиғлаб юборди. Бизлар салкам 15 йил гаплашмагандай-да. Шунда бир гап айтди:

— Ёрддам бермайсан деб ўйлагандим...

Мен ҳам нимадир дедим, ҳозир эсимда йўқ. Лекин шуни билардимки, агар эшаги дарёга тушиб кетгандами, мен ўзимни кечирмасдим.

Иккинчи воқеа қишлоғимизда сел келган йили бўлган. Ўзи ҳар йили сел келарди, лекин ўша йил анча кўрчинчи бўлганини ёш бола бўлсам-да – яхши эслаيمان. Қишлоғимиз боғ ва қишлоқ деб айтиларди одамлар шеvasида. Қишлоқда яшовчилар баҳордан то кузгача боғига — салқинга — кўчиб боришади. Аксарият одамлар тўнғич боласига боғидан том солиб берган — улар қишин-ёзин ўша ерда яшашади.

Сел келди. Тошларнинг гўмбурлаган овозини эшитдик. Кейин осмонни балқ

нинг ҳиди тугиб кетди. Боламасмизми — югуриб кўчага — селни кўргани чопдик. Масжиднинг ёнида — тепалиқда, боғда яшайдиган ҳамма йиғилган. Баъзилари оёқларанг. Бола-чақаси билан дўнгликка чиқиб олган. Дарё эса буралли катта-катта тошларни, дарахтларни оқизиб кетаяпти...

Кейин маълум бўлишича, бир жувоннинг 4 та боласи бор экан. Эри даштда экан. Қўрқанидан бешиқдаги боласини ташлаб чиқибди. (Менимча, кучли кўрқувда эсидан чиқиб кетган бўлса керак). Шунда кўшниси ўзининг боласини кўчада қолдириб, ўқдай учиб ичкарига кирди — бешик-мешиги билан болани олиб чиқди.

Дунё пайдо бўлибдики, доим халқ бошига турли синовалар тушиб турган. Ҳар асрнинг ўз синови — дарди ва давоси бўлган. Тарихни ўқинг, топасиз. Вабо, безгак яна бир қанча касалликлар минглаб одамларнинг ёстиғини қуритган. Мана шу синоваларда дош берган, сабр қилган, матонатли бўлган халқгина — омон қолади.

Биз қанчаллик олифта, сергап ва боди бўлмайлик, керакли пайтда донишманд, камгап ва босиқ халқ бўла олар эканмиз. Уша ўн беш йил бир-бири билан гаплашмай қўйган кўшниллар, ўз боласини кўчада қолдириб бировнинг боласини олиб чиққан кўшни ҳам — ўзимизнинг эл.

Тўртта тақсими йўлқирани кўтарганда — Халқ ёрддамга келди. Раҳбарларни бўралатиб сўкандик, оқибатда бугун уларнинг кимлигини билдик-ку. Улар ҳам халқ экан-ку! Шу халқ учун яшар экан-ку! Турнақатор автобуслар, машиналар йўлга чиқди. Янгийўлда исирини тарқатаётган йиғитни айтмайсизми. Жиззахда ноннинг арзон нархи, Ангордаги дорихонада никобининг нархи — буларнинг бари халқимизнинг ички қадриятидир. Тоza, асл ва соф миллатнинг гир

ромлик, номардлик қилишга ҳаққи йўқ. Ичиди ухлаб ётган ўша шаффоф куч мана шундай пайтда уйғонади. Бирдамлик деб шуни айтса бўлади!

Синови дунё деган гапни кўп бор эшитганмиз. Ватандошлар биз ҳозир ўша кунора оғзимизнинг бир четидан сирғалиб чиқиб кетадиган гапни ўртасидамиз. Етти ўлаб бир кесадиган вақт мана шу ердир. Сабрнинг таги олтин деган мақол ҳам мана шу ер. Дард борки, даво бор деган ҳикмат ҳам шу ерда.

Бугун бутун дунёни ташвишга қўётган бу дард — чегара, миллат танламайди. Интернетдан кўрмоқдасиз, ҳамма жойда Европам, Америками, Осиёми талаб битта: шифокор кўрсатмаларига риоя қилинг. Даво ўзингизда. Ўз қўлимизда.

XXI асрнинг синовиға бардош беришимиз шарт. Биласизми, нима учун? Гап шундаки, бизлар — авлодлар қаерга бормайлик, қаерда бўлмайлик, бундан минг йил олдин яшаган бобокалонларимиз билан фахрланамиз. Авлодлар ҳам биз билан фахрлансин. Яъники, инсон иродаси, матонати ҳар қандай кучни тиз чўктиради. Иродали бўлайлик, шу гўзал юртни, сўлим диёрни соғ-саломат авлодлар қўлига тутказайлик.

Яратган Эгам иродаси, хоҳиши ила яқин кунларда бу дард — ҳозирча дориси йўқ деб аталаётган касалликка ҳам албатта даво — малҳам топилади. Аллоҳ мўъжизаси билан керак бўлса, табиатнинг ўзи бу дардни даф этажак. Бунда шак шубҳасиз, юртдошларимизнинг покликка, шахсий гигиенага қатъий амал қилишлари, шифокорлар, ҳукуматимиз, Юртбошимиз томонидан белгилаб берилаётган тартиб ва тамойилларга амал қилинса, бас, шак-шубҳасиз бу синовдан ҳам эсон-омон ўтишимизга шубҳа йўқ!

Санжар ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги “2020 йилда республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режаси” фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳамкорликда “*Ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашув, илмий ишланмалар ва замонавий технологиялар*” мавзусида II республика ёш олимларнинг илмий-амалий анжумани яқинда бўлиб ўтди.

Анжуманда мазкур йўналишга алоқадор вазирлик ва идораларнинг маъсул ходимлари, ёш олимлар, докторантлар, магистрлар ва иқтидорли талабалари ҳамда ўрта махсус, таълим юртининг ёш ихтирочи ўқувчилари иштирок этганлиги юртимизда инновациони янада ривожланишга хизмат қилиши шубҳасиз.



Қобул Бердиев, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси бошлиғи:

— Давлатимиз раҳбари: “*Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитни яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўнликма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддатли, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз*”, деган эдилар.

Шу маънода олий таълим муассасаларида инновацион ва технологик югаларни ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Ёш олимларнинг инновацион технологияларни яратиш борасидаги ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш юзасидан зарур чоралар кўриляпти.

Хорижий давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, инновацион фаолиятни такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш тизимига ихтиролар ва илмий ишланмалар, ютуқларни самарали татбиқ этиш мақсадида мавжуд илмий-техник салоҳият ва имкониятлардан тўла фойдаланиш босқичлари яратилди, — деди Қ.Бердиев.

— Бугунги илмий-амалий анжуман нафақат ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш, балки техносфера ва ёнгин хавфсизлигини ҳам қамраб олганлиги ёш олимлар томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар ва инновацион ёндашувлар, яратилаётган ишланмалар ҳамда замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ўқитувчиси, капитан Фарҳоджон Хожаев.

Тадбир сўнггида ёш олимлар томонидан яратилган ихтиролар намойиш этилди. Иштирокчилар замонавий ёнгин ўчириш техникалари ва махсус-авария кутқарув машиналари, асбоб-анжомлари билан таништирилди. “Энг яхши мақола”, “Энг яхши илмий ишланма”, “Энг яхши инновацион гога” каби номинациялар бўйича голиблар тақдирланди.

Наргиза БОБОМУРОДОВА.

Урганч шаҳридаги “Урганч қурилиш бетон” МЧЖ жамоаси

Қутлов

Халқимизни,
юртимиз меҳмонларини
энг қадимий ва гўзал айём —
Наврўзи олам
билан табриклайди.

Ушбу байрам ҳаётингизга қувончли хабарлар,
фаровонлик, осойишталик, бахт ва саодат олиб
келсин.

Она Ватанимиз, азиз халқимизни Яратганнинг
ўзи ҳамиша қўлласин. Айни шу кунларда бутун
дунё халқларини ташвишга солаётган касаллигу
дардлардан элимиз бир тан, бир жон бўлиб
халос бўлсин.

Илоҳим, кўклам шодиёнаси —
Йилбоши жамики эзгуликларни
бошлаб келгани
рост бўлсин!



Қутлов

Ассалом Наврӯз, ассалом янги кун!

“Ўзбекконцерт”

давлат муассасаси жамоаси Наврӯз байрами билан барча юртдошларимизни муборакбод этади!

Азиз Ватандошлар!

Ўлкамизга қадам ранжида қилган Наврӯз — янги ланиш, яшариш туйғуларини изҳор этувчи, баҳорнинг нафис ифорини заминну осмон узра сочгувчи, она ер бағрида гулу чечак ундирувчи, кўнги лларни яшнатувчи, яшартирувчи айём.

Наврӯзи олам ўлкамизга янада файз, ҳаловат, қут-барақа олиб келсин, юртимиз тинч, элимиз турмуши фаровон бўлсин!

Қутлуғ шоднана билан барчангизни яна бир бор табриклаймиз!



✓ МУЛОҲАЗА

...Шаҳарча четидаги ҳовлини сўраб, излаб топиб бораман. Паст-таккина уйга кираётганимда ҳам боягина ҳокимлик масъуллари такрор-такрор айтган, тўғрироғи, огоҳлантиришлари қулоғим остида қайта жаранглайди: “Бормаганимиз маъқул! Уруш кўрган чол, анча асабий бўлиб қолган, сизни ҳақоратлашдан ҳам қайтмайди!”

Касбим тақозоси боис бу огоҳлантиришларга эътибор бермадим, қолаверса, кўлимда бир энлик шикоят аризаси...

Униққан хонтахтага таклиф қилган ёшига йигит бувасини чақириб келишга кетади. Бу орада ўзим ўтирган хонага бир кўр назар ташламан. Эскигина иморат, бирор қирқ йиллар олдин паҳса лойдан тиклангани ҳали бўсагага қадам қўйганимда димоғимга урилган зах хидидан маълум бўлганди. Агар мени дарвоза олдида қутиб олган йигитча невараси бўлса... демак, отахоннинг шу невараларига иморат қуриш учун бир парча ер сўраб бормаган идораси қолмагани ҳақида алам билан

ака Раззоқовга мақола маъқул бўладию... аммо сарлавҳа сал “ҳаддан ошгани”ни эслатади. Мен сўзимда қатъий туриб оламан: “Сарлавҳа ўзгарса... яхшиси мақола берилмагани маъқул. Аслида сарлавҳа зўр чиқди!”

Жаббор ака бирзўм ўйланади ва одатича мени бир ўзининг ёқтирган ибораси билан “сыйлайди”да, мақолани теришга топширади...

...Салкам ўттиз йил олдинги воқеаларни эслапману, ҳозирда ижтимоий тармоқларда

барча нашрлар адади қанча экан? Уша “Туркистон”нинг бир кунлик ададидан камроқдир?

Бугун ўзбек журналистикаси даргалари сифатида тан олинган қалами ўткир, забардаст журналистлар Аҳрор Аҳмад, Норқобил Жалил, Сирожиддин Рауф, Қурбон Эшмат, Исом Ҳамро, Ҳайдар Акбар, Амирқул Карим, Сувоқул Рустам (рахматли), Фаррух Раҳимов (рахматли), Зиёвуддин Ортиққўжаев (рахматли)... эҳ-ҳе санада адашиб кетаман ва яна ўнлаб ҳамкасбларим ҳали-ҳамон ёзаётган ўткир мақолаларни ўқиганимда “Туркистон” мактаби руҳи тирикчилиги имон келтираман.

Бугун ижтимоий тармоқларда битта-иккита саводлироқ блогерлар кўтариб чиқаётган мавзулар ўша замонда газеталаримиз учун одатий иш режасининг бир парчаси эди, холос.

Ҳақиқатнинг сўз қадри! Ҳақиқатнинг икки кўриниши бўлмайди! Босма нашрларнинг адади камайиб,

✓ ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Компьютер, китоб... ва бир дона гул

Болалар нашрларида ишлаган ҳар бир одам бу соҳанинг ҳадисини оляптими? Болалар нашрларида нимага эътибор қаратиш керагу биз бунинг уддасидан чиқа олмаймиз? Болалар муаммолардан хопи дунёми?

Бир қарашда бу соҳада жуда кўп одам меҳнат қилаётти, натижа эса... Яна бир қарашда, бола билан ҳамма ҳам тиллаша олавермайди, деган таскин юқоридаги фикрларимизни инкор қилади.



Жуда кўпчилик “Ғунча” билан бирга улғайган. Ушбу таҳририят ходими Юлдуз Тешабоева эса республикамиздаги кўплаб болажонларнинг “Ғунча” билан бирга улғайишини таъминлаётганлардан биридир. Баъзан, муборак ёш баҳона шу инсон шаънига яхши гаплар айтишга уринамиз. Бироқ Юлдуз опанинг фаолияти бунга муҳтож эмас. У “Ғунча” журнали учун ҳаммаси бирда — дизайнерлик, маркетинг, муҳаррирлик ишларини уddалай олади. Яъни, опада ҳаётта нисбатан полифоник овоз бор: тивувчилик, тўқувчилик, дизайнерлик, продюссерлик санъати. У ўзига учраган ҳеч бир соҳани камситган эмас.

Бунга сабаб болалигидан онаси таниқли журналист Ёқут Раҳимованинг ёнида таҳририятларга келиб, “газета-қоғоз ичида” катта бўлган. Ахир журналист ёки ижодкорнинг фарзанди ўйинчоқ ўрнига газета-журнал “ўйнаб” катта бўлиши бор гап-да. Олдин Глизер номидаги мусиқа мактабини, кейин Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети)ни тамомлаган.

Болалар нашрларида ишлаганинг афзаллиги кўп. Бу ерда хизмат қилувчилар кўпроқ болалардаги сифатларни ўзларига юқтириб олишади. Таҳририятга келганларга топишмоғу шеър айтиб ўтирган болалар нашри ходимларини кўрсангиз ҳечам ажабланманг. Юлдуз опа ҳам ана шундай, журнал саҳи-

фаловчиси ва дизайнер бўлишига қарамай, таҳририятга келган болажонлар билан астойдил гаплашади, маслаҳатлар беради.

Оддий болангизнинг шимини калтартириш учун керак бўлса, олдин тивувчи қидирасиз, кейин унинг ишидан ё кўнглингиз тўлади ёки йўқ, яна моддий маблағ йўқотасиз. Опа бу каби ишларни йўлига, камига дид ва меҳр билан бажариб бера олади. Баъзида сизу биз арзиманган, ташлаб юбораман, деган нарса-мизни ҳам фойдаланадиган қилиб, қайта яратади.

Болалар нашрларида катталар матбуоти каби долзарб муаммолар кўтарилмайди. Болаларни ҳар жиҳатдан асраб-авайлаш кераклиги эътибор марказида туради. Фарзандларимиз ҳаётнинг ерқин томонини кўриб улғайсин, деган қарашлар устуворлик қилади. Юлдуз опа ҳам ўзи хизмат қилаётгани болажонлар қалби каби, доимо дунёнинг ойдин тарафида яшайди.

Унинг иш столида компьютер, китоб ва доимо бир дона гул бўлади. Шунинг учун бутун жамоа Юлдуз опани гулга ўхшатишади. Баҳор келдими, опанинг бир қўлида иш сумкаси, бир қўлида агар гул тополмасалар жилла курса, бир манзарали ўсимлик, албатта, бўлади.

Яна бир гап: болалар журналистлари саҳнанинг орқа томонидаги режиссёрларга ўхшайди. Аслида, ҳамма гап режиссёрда...

Шахноза КАРИМОВА.

НАГАН сўраган чол

ёхуд босма сўзнинг қудрати

ёзмишларида ҳақиқат бор деган хаёлга келаман.

Хаёлим бўлинади, хонага кексалиги билиниб турса-да ҳали хўйлагина тетик қария кириб келди. Урнимдан туриб саломлашиш асносида ўзимнинг Тошкентдан келганим, ёзган аризасини ўрганиб юрганимни эслатишга улгураман ва қария ҳеч қутилмаганда: “Наганинг борми?” деб сўрайди. Довдирайман, шунча йиллик журналистик фаолиятимда илк бора наган сўраган одамга дуч келиб турганим ва яна ҳокимликдаги “огоҳлантиришлар”... бироз чўчитади. Табиий равишда отахондан наган нима учун зарурлигини сўрайман. Қария мени дастурхонга таклиф қиларкан, зарда билан айтади: “Наганинг бўлса, берсанг! Бу ерда бир-иккитаси бор. Курсини эгаллаб олишган, одамларни ўйламайдилар. Шуларни...”

Отахон тумандаги бир неча раҳбар номларини айтади.

Отахоннинг гапларидан алам уфуриб турарди: “Нима, мен бир қарич ерга арзимайманми? Шу тупроқ деб тўрт йил жангоҳ кечдим, неча жойимдан ўқ едим. Мен қай бир ўрмонларда қалин қорни бошлана қилиб, тунларни ўтказганимда... бу кичкина раҳбарчалар...”

Қорақалпоғистоннинг жанубий туманларидан биридан тушган шикоят аризасини ўрганишим шундай бошланади...

Аризани ўрганиш бўйича тайёрлаган танқидий мақолага “Наган сўраган чол” деган сарлавҳа қўяман. Бош муҳарриримиз Жаббор

шов-шувга айланаётган маҳаллий ҳокимлик ва фуқаролар ўртасидаги жанжаллар илдизи хув ўша замонларда маҳкам томир отмаганимди, деб ўйлаб қоламан. Ҳатто, ҳозиргидан баттарроқ ҳодисалар ҳам рўй бериб турарди. Бу ҳақда эса ўша вақтдаги “Ёш ленинчи”, кейин “Туркистон” деб номланган газетамиз очик-ошкора ёзарди. Танқидий мақолаларга ўқувчини ўзига тортадиган сарлавҳа топиш учун ўзаро баҳслашардик. Ана шундай “ўзигатортар” сарлавҳа остида ўткир танқидий мақолаларимиз босилган газета эртасига қўлма-қўл бўлиб кетарди.

Газетанинг адади 900 мингга яқинроқ эдию, газета дўконларида топиб бўлмасди.

Газетамиз жамоаси вилоятларда “Туркистон кунлари”ни ўтказар, ўн минг киши сифадиган ўйингоҳларда бўш ўрин топилмасди. Энг машҳур хонандалар чиқишлари, ҳатто ютққа машина қўйилган лотерея ўйини ва ниҳоят футбол мусобақаси. Бу томошалар беш соатдан ортиқ давом этар, бирор томошабин вақтлроқ тadbирни тарк этмасди.

Аслида ошкоралик, ҳақ гапни ёзиш газета обрўсини белгилайди. Қуруқ мадҳиябозлик, бир хил мазмундаги расмий тadbирлар ҳисоботини бериш...бу газетани шунчаки бирор ташкилотнинг “деворий газетаси”га айлантириб қўяди.

Булар ҳозирги авлод учун эртакка ўхшайди. Ҳозирда республикамизда чоп қилинаётган

унинг ўрнини ижтимоий тармоқлар эгаллашга уриниши аслида ана шу ҳақиқатнинг маълум даврда синдирилиши натижаси. Энди эса босма нашрлар яна қайтадан бой берилган ахборот (ҳақиқат деса тўғри) майдонини қайта эгаллаш, ҳеч бўлмаганда сақлаб қолиш учун курашмоқдалар.

...Наган сўраган чолга қайтамыз. Ушбу сарлавҳали мақолам газетада чоп қилинган, ўша туман раҳбари “кўтарилган масала ечимини” бўйича мени шахсан таклиф қилади ва отахоннинг набиралари учун иморат қуришга жой ўрни ажратилишда қатнашаман. Отахонга бир эмас, иккита жой ўрни учун қозик қоқиб берилади.

Ишлар ижобий ҳал бўлган, туман мутасаддиси газетага расмий жавобни имзолаб, қўлимга тутқазаркан, эътироф қилди: “Газета сўзи қудратли экан. Бир ҳафта бўлди одамлар билан учрашишдан ўзимни четга олиб юрибман. Ҳаммаси мени бармоғи билан кўрсатиб: “Уруш иштирокчисидан бир парча ерни қизганган ёшулли, деб кўрсатаётгандай. Хатомизни айтганингиз учун сизларга раҳмат!”

...Сўнги уч йилда матбуотга қайтган эркинлик, ишончанки, босма нашрларга яна сўз, матбуот қудратини қайтариб бераётир!

Бу наган эмас... оддий қалам.

Рўзимбой ҲАСАН,
журналист.

МУТОЛАА

Университетимизда ойда 3-4 мартаба китоб ярмаркаси бўлади. Шундай кунларнинг бирида талабалар орасида “шов-шув” бошланди: “Ота” келибди, “Ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг янги китоби чиқибди”, “Ўқиганлар айтди — зўр экан!”...

Дўконга “Ота” келибди...

Мутулаани бошладим. Воқеалар ривож, халқона тил, далил-ғули одамларнинг феъл-атвори... хуллас асарни хотиржам ўқигангиди, қўлимдаги китобни қўриб қутилмаганда ҳамкурсим саволга тутди: — “Ота”ни ўқияпсизми?!

бўй-бастича ҳикоя қилингани таҳсинга лойик. Мавзунинг оригинал ва энгил-елпиликдан йироқлиги ҳам хайрли. Лекин... Ота нега ўз дилбандини, ёлғиз жигаргўшасини чавақлади? Бутун вуҷудим жимирлаб, қоним совуди, нега ахир? Бу саволга жавобни асардан ахтара бошладим...



кўнгли таскин топади: “Хайрият, тегмабди...” Шу пайтгача ўзбек отасининг мукамал тасвири, бутун буй-бастича билан яратилган образи мен учун “Уфқ” асари қаҳрамони Иқромжон бўлган. Чунки, у минг ёмонотлик бўлиб, одамлар олдида боши ҳам бўлмасин, ўғлига ачинади.

Асарда “Ўзбек оталарининг чинакам умумлашма образи” бўлган Пўлат эса ўз жаҳлини тиёлмаган, калта ўй, ваҳшийлик (одамга тажовуз қилиш, одам ўлдирши, ҳатто ўз пуштикамаридан бўлган фарзандининг қотилига айланиши) каби хислатлар соҳиби бўлиб қолган.

“Дунёнинг ишлари” асаридagi она тимсолини адиб Ўткир Хошимов шунчалар мукамал яратганки, у оддий асар қаҳрамони, шунчаки образ эмас, балки биз китобхонлар учун ОНА тасвирланган портрет, бебаҳо суратдек қадрли бўлиб қолган.

Устоз, мен бир ёш ўқувчи сифатида мулоҳазаларимни қораладим. Ростини айтсам, 13 минг нухсида чоп этилган ушбу асарингиздан ҳам аввалги китобларингиздаги “гурунг”ларингизни излагандим. Бу сафар ҳам “Мувозанат” ёхуд “Сабо ва Самандар” даражасидаги асарни кутгандим.

Абдулазиз АҲМЕДОВ, Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси.

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ!

“Ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олган афзал”, деган нақд бор. Албатта, озгина бепарволик оқибатида содир бўладиган ёнғин анчайин ташвиш туғдириши табиий.

Кўнгил хотиржам бўлса, ишда унум бўлади

Қолаверса, ёнғин турар-жо йеволарига, иншоотларга катта моддий зарар етказиши. Шу боисдан фуқаролар ўз оила аъзолари, уйлари кўнгилини, биринчи навбатда, ўзлари таъминлаши керак.

Кейинги пайтларда айрим одамларнинг эҳтиётсизлиги, бепарволиги туфайли газ билан боғлиқ турли кўнгилиликлар юзга келмоқда.

Албатта, уйдан ишга ёки бошқа юмуш билан ташқарига чиқадиган одам газ ва электр ускуналарини (газ плита, даэмо, телевизор ва бошқалар) ўчирилганлигини текшириб, кўнгилини хотиржам қилсангиз ишингизда олдинга силжиш бўлади.

Айниқса, ёш болаларнинг кўлига гугурт бериш ярамайди, уларнинг кўлига гугурт олишига ҳам йўл қўймасангиз осойишта ҳаётингизга олов даҳл қўлолмайди.

Кўпқаватли уйда яшасангиз уй-жойлар олдида, йўлақларга сунъий тўсиқ қўйишдан эҳтиёт бўлинг. Метан газ баллонини ўрнатилган энгил автоловни подъезд олдида узоқроқ жойда сақлаганингиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу мақолада асосий эҳтиёт чора-тадбирлари тўғрисида баъзи асосий оқибатларнинг олдини олган бўласиз.

Равшан САТБАЛДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги давлат бошқаруви Академияси билими ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими асосий инспектори, катта сержант.

СИРЛИ САНДИК

Саксон билан сизлашиб, кўзойнаксиз китоб ўқийдиган бувим бор эдилар. Ҳар гал почтачи нафақа пулларини олиб келганида газета ёки журнал қўшиб келмаса улардан яхшигина “дакки” эшитишини билган почтачи: — Она, айб этмасангиз бу гал сизга нафақа пулингизни олиб келдим холос.

Бувимдан қолган хазина

Юқори ҳовлининг бурчагидаги уйга онда-сонда кириб қолсам, таҳмондаги шкафда қалин китоблар, таҳлам-таҳлам газета-журналлардан қўзим қамашиб, бирзум тўхтардим. Болалик қилиб биронтасини йиртиб қўйсам, бувимдан яхшигина “мукофот” олишимни билганим учун титкилашга қўрқардим.



дан буён кузатиб юрар эканлар. Бир кун эчкиларни даладан ҳайдаб келиб, кўрага қамаётганимда “қўлга тушдим”. — Ўғлим, тунов куни раис тоға олиб келган “Юлдузли тунлар”ни кўрмадингми?

тиб бердим. Аввалига ишонқирамай қарадилар, сўнг пешоналари тиришиб кўлдилар: “Ўқиб чикдингми? Шунинг ўзи етади. Уртоғинг олган бўлса у ҳам ўқир...”

тобни ҳамма ҳам ўқиши мумкин, бироқ унга муносиб бўлиш мушкул... Бувимнинг вафотларидан кейин китобларининг даярли ярми менга қолди.

КИТОВ ЎҚИШ ВА УНИ АНГЛАШ, КЕРАГИДА АСРАБАВАЙЛАБ, ХУДА-БЕХУДАГА КЎЗ-КЎЗ ҚИЛМАСЛИК КЕРАК. БОБОМ БИЗГА ШУНДАЙ ТАРБИЯ БЕРГАН. КИТОВНИ ҲАММА ҲАМ ЎҚИШИ МУМКИН, БИРОК УНГА МУНОСИБ БЎЛИШ МУШКУЛ...

Ислои АСИЛБЕКОВ, ЎЗ ЖОКУ талабаси.

ТАФАККУР
Кимки тозалик ва покизаликка ўз ихтиёри билан берилиб, уни туттишга қодир бўлолмаса, у ободликка эришолмайди. Кимда-ким тозаликка эришолмаган бўлса — фақирликда умр кечиради.

РАССОМ ХАНДАСИ
Ўйин қабул қилиб олиманча, ҳайкалдек қотиб турларинг!
Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.